

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ХОДЖАЕВ САРВАР ФАХРЕДДИНОВИЧ

**МАҲАЛЛИЙ НОАНЪАНАВИЙ ЎСИМЛИК МОЙЛАРИДАН
Фойдаланиб, диетик қўйма маргарин олиш
технологиясини такомиллаштириш**

**02.00.17 - Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш,
сақлаш ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Ходжаев Сарвар Фахреддинович

Маҳаллий ноанъанавий ўсимлик мойларидан фойдаланиб,
диетик қўйма маргарин олиш технологиясини такомиллаштириш..... 3

Ходжаев Сарвар Фахреддинович

Совершенствование технологии получения диетических
наливных маргаринов с использованием нетрадиционных
местных растительных масел..... 21

Khodjaev Sarvar Fakhreddinovich

Improving the technology of producing dietary bulk
margarines using non-traditional local vegetable oils..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 42

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ХОДЖАЕВ САРВАР ФАХРЕДДИНОВИЧ

**МАҲАЛЛИЙ НОАНЪАНАВИЙ ЎСИМЛИК МОЙЛАРИДАН
Фойдаланиб, диетик қўйма маргарин олиш
технологиясини такомиллаштириш**

**02.00.17 - Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш,
сақлаш ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияда В2019.3.PhD/Г1290 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгаш веб-саҳифасида (ik-kimyo.nuu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Акрамова Раъно Рамизитдиновна
фалсафа доктори (PhD), доцент

Расмий оппонентлар:

Исабаев Исмоил Бабаджанович
техника фанлари доктори, профессор

Юнусов Обиджон Қодирович
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

«Qarshi yog'-ekstraksiya» АЖ

Диссертация ҳимояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.04.01 рақамли Илмий Кенгашнинг 2021 йил «04» 12 соат «11⁰⁰» даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўчаси, 32-уй. Тел.: (99871) 244-79-20, факс: (99871) 244-79-17, e-mail: tkti_info@edu.uz.).

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (27 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўч.32. Тел.: (99871) 244-79-20).

Диссертация автореферати 2021 йил «17» 11 кун тарқатилди.
(2021 йил «17» 11 даги №27/21 рақамли реестр баённомаси).



С.М.Туробжонов

Илмий даражалар берувчи Илмий
Кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Х.И.Кадиров

Илмий даражалар берувчи Илмий
Кенгаш котиби, т.ф.д., профессор

К.О. Додаев

Илмий даражалар берувчи Илмий
Кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда соғлом овқатланиш учун мўлжалланган диетик маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва аҳоли талабларини қондириш мақсадида кенг камровли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Озиқланиш ҳолати аҳоли саломатлигини белгилайдиган асосий омиллардан бири бўлиб, маҳсулотлар нафақат эҳтиёжни қондириши, балки, даволаш хусусиятларига ҳам эга бўлиши керак. Шу сабабли, тўйинмаган ёғ кислоталарига эга бўлган диетик маргаринларни ишлаб чиқариш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда политўйинмаган ёғ кислоталар миқдорини ошириш, маргариннинг ёғлилик даражасини камайтириш, барқарорликни ошириш учун мўлжалланган янги турдаги эмульгаторларни танлаш ҳамда уларни сақлаш муддатини ошириш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шу билан биргаликда, ёғларни танлаш, политўйинмаган ёғ кислоталарининг нисбатларини аниқлаш, маҳаллий хом ашёлар асосида эмульгаторлар олиш, маргарин маҳсулотларини барқарорлигини ошириш мақсадида эмульгаторлар композицияларини яратиш, маргарин маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун оптимал технологик шароитларни аниқлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда маргарин маҳсулотларини сифатини яхшилаш, политўйинмаган ёғ кислоталари миқдорини ошириш, шу билан биргаликда маҳаллий хом ашёлардан фойдаланган ҳолда импорт ўрнини босувчи эмульгаторлар яратиш бўйича илмий изланишлар олиб борилиб, муҳим илмий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида «...юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш»¹ муҳим вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, жумладан маҳаллий хом ашёлардан фойдаланиб юқори сифатли эмульгатор олиш ва улардан маргарин маҳсулотлари ишлаб чиқаришда фойдаланишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2020 йил 9 сентябрдаги ПҚ-4821-сон «Республика озиқ-овқат саноатини жадал ривожлантириш ҳамда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлақонли таъминлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 16 январдаги ПҚ-4118-сон «Ёғ-мой тармоғини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ва соҳани бошқаришда бозор механизмларини жорий этиш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони

вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технология ва нанотехнология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси.

Маргаринни тўйинмаган ёғ кислоталар билан бойитиш, сифатли маҳаллий эмульгаторларни олиш ва диетик қўйма маргаринлар ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш бўйича Р.Обрайн, А.Кауфман, Б.Н.Тютюнников, А.Л.Маркман, А.Г.Сергеев, А.П.Нечаева, Н.С.Арутюнян, Е.П.Корнена, О.С.Восканян, А.А.Абдурахимов, А.И.Глушенкова, Ю.Қ.Қадиров, С.А.Абдурахимов, И.Б.Исабаев, А.Т.Рузибаев ва бошқалар илмий-амалий фаолиятлар олиб боришган.

Улар томонидан турли хилдаги маргарин маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологияси такомиллаштирилган, уларнинг озиқавий ва биологик қиммати оширилган, шунингдек эмульсия маҳсулотлари ишлаб чиқариш хом ашё базаси кўпайтирилган. Бундан ташқари, ушбу тадқиқотчилар лецитин, моно- ва диглицеридларнинг эмульгаторлик хоссаларини ва уларнинг маргарин маҳсулотларида қўллашни тадқиқ қилишган.

Шу билан бирга, рецептурадаги сув ҳажмини ошириш ҳисобига маргариннинг озиқавийлик қимматини камайтириш бўйича, политўйинмаган ёғ кислоталарининг миқдорини, оксидланишга турғунлигини ошириш, маргарин маҳсулотларининг хавфсизлик нуктаи назаридан сифатини туширувчи транс-кислоталар миқдорини камайтириш бўйича кенг изланишлар олиб борилмоқда. Бироқ, маҳаллий хом ашёлардан фойдаланиб, эмульгатор композицияларини олиш ва уларни диетик қўйма маргаринларни ишлаб чиқаришда қўллаш бўйича изланишлар олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ №АМ-ФЗ-201908159 «Маҳаллий хом ашёлар асосида функционал кўшимчалар билан бойитилган парҳезли маргарин олиш технологиясини ишлаб чиқиш» (2020-2022 йй) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ноанъанавий ўсимлик мойлари ёрдамида диетик қўйма маргаринларни олиш технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

олинадиган эмульсияли маҳсулотларнинг барқарорлигига сув миқдорининг таъсирини ўрганиш;

диетик қўйма маргаринлар ишлаб чиқариш учун маҳаллий ёғ ва мойларни танлаш;

маҳаллий соя лецитинлари, пахта мойи ва мол ёғи асосида олинган моно- ва диглицеридларни қўллаб, диетик қўйма маргаринларнинг барқарорлигига таъсирини ўрганиш;

диетик қўйма маргаринларни қатламга ажралишга барқарорлигини ошириш учун маҳаллий ресурсларни қўллаб, эмульгаторлар композициясини яратиш;

ишлаб чиқилган эмульгатор композициялари ёрдамида диетик қўйма маргаринлар олишнинг мақбул технологик шароитларини аниқлаш;

эмульгатор композицияларини олиш ва қўллаш имкониятларини, тажриба-синов тадқиқотлари орқали аниқлаш;

саноатда диетик қўйма маргарин ишлаб чиқаришнинг такомиллаштирилган технологиясида ишлаб чиқилган эмульгатор композицияларидан фойдаланишнинг техник-иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида соя ва пахта мойлари, пахта пальмитини, мол ёғи, глицерин, соя лецитини, моно- ва диглицеридлар, эмульгаторлар олинган.

Тадқиқотнинг предметини паст калорияли диетик қўйма маргарин олишнинг ишлаб чиқилган технологик жараёнларини эмульгатор композицияларини қўллаш орқали такомиллаштириш ва уларнинг олиб бориш қонуниятларини таҳлил қилиш ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация тадқиқотида хом ашё ва тайёр маҳсулот хоссаларини аниқлашнинг стандарт, махсус органолептик, физик-кимёвий ва замонавий таҳлил усуллари ҳамда олинган натижаларга статистик ишлов бериш дастурларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

олинадиган маргарин маҳсулотлари эмульсиясининг барқарорлигига сув миқдорининг таъсири аниқланган;

маҳаллий мол ёғи, пахта пальмитини ва соя мойининг мос равишда 20:20:60, 10:20:70 ва 10:10:80 нисбатлари асосида диетик қўйма маргарин ишлаб чиқариш мумкинлиги аниқланган;

маргарин барқарорлигини ошириш учун эмульгатор сифатида маҳаллий соя лецитинлари ҳамда пахта мойи ва мол ёғи асосида олинган моно- ва диглицеридлардан фойдаланиш имконияти аниқланган;

диетик қўйма маргаринларнинг қатламга ажралишга барқарорлигини оширувчи эмульгатор композицияларининг таркибий қисми аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ишлаб чиқилган эмульгатор композицияларидан фойдаланган ҳолда диетик қўйма маргаринларни олиш технологиясининг мақбул шароитлари аниқланган;

ишлаб чиқилган эмульгатор композицияларидан фойдаланилганда, импорт маҳсулотини ўрнини босиш ва унинг сарфини компонент таркибига қараб 10-20%га қисқартириш мумкинлиги аниқланган;

ишлаб чиқаришга паст калорияли диетик қўйма маргарин олишнинг такомиллаштирилган технологияси яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги физик-кимёвий таҳлилнинг замонавий усулларини қўллаш, хом ашёнинг асосий сифат кўрсаткичлари ва олинган диетик қўйма маргаринларнинг қатламга ажралишга чидамлилигини

баҳолаш, кислоталилиги, пероксид ва анизидин сонини таҳлил қилиш орқали, шунингдек Ўзбекистон ёғ-мой саноати корхоналарида тадқиқот натижалари тажриба-ишлаб чиқариш синов натижалари билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти маҳаллий хом ашёлар асосида политўйинмаган ёғ кислоталари миқдори оширилган диетик қўйма маргарин ишлаб чиқариш, эмульгатор композициясини олиш, эмульсиялаш хусусиятини аниқлаш ҳамда уларнинг ишлаб чиқаришдаги сарфини 10-20% га камайтириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти маҳаллий хомашёлар асосида ишлаб чиқилган эмульгатор композициясини қўллаб, диетик қўйма маргарин олиш технологиясини такомиллаштириш орқали импорт қилинадиган аналогни алмаштиришга олинган маҳсулот таннархини пасайтиришга ҳамда ёғларни қайта ишлаш соҳаларида фойдаланишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ишлаб чиқилган эмульгатор композицияларини қўллаб, диетик қўйма маргаринлар олиш технологиясини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

маҳаллий соя мойи асосида лецитин олиш технологияси Ёғ-мой саноати корхоналари уюшмасининг «2022-2023 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган (Ўзбекистон Республикаси Ёғ-мой саноати корхоналари уюшмасининг 2021 йил 10 сентябрдаги ОЗ/3-484-сон маълумотномаси). Натижада, қимматбаҳо импорт маҳсулотлари ўрнини босувчи маҳаллий соя мойи асосида лецитин олиш имконини берган;

пахта мойи ва мол ёғини глицерин билан глицеролиз қилиш усули ёрдамида моно- ва диглицеридлар олиш технологияси Ёғ-мой саноати корхоналари уюшмасининг «2022-2023 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган (Ўзбекистон Республикаси Ёғ-мой саноати корхоналари уюшмасининг 2021 йил 10 сентябрдаги ОЗ/3-484-сон маълумотномаси). Натижада, моно- ва диглицеридлар аралашмаларини ишлаб чиқариш ва улардан эмульгатор сифатида фойдаланиш имконини берган;

ишлаб чиқилган эмульгатор композицияларини қўллаб, диетик қўйма маргарин ишлаб чиқариш технологияси Ёғ-мой саноати корхоналари уюшмасининг «2022-2023 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган (Ўзбекистон Республикаси Ёғ-мой саноати корхоналари уюшмасининг 2021 йил 10 сентябрдаги ОЗ/3-484-сон маълумотномаси). Натижада, импорт қилинадиган эмульгатор ўрнига ишлаб чиқилганни қўллаш ва унинг сарфини 10-20%га камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий конференцияларда маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси ва материаллари бўйича 18 та илмий ишлар нашр этилган, шулардан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш учун тавсия

қилинган илмий нашрларда 8 та, жумладан, 6 та хорижий журналларда мақолалар чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта бўлим, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ишининг ҳажми 104 бетдан ташкил топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Диетик қўйма маргаринлар олиш технологиясининг ҳозирги ҳолати**» деб номланган биринчи бобида диетик маргаринларни олишнинг замонавий технологияси, диетик маргаринларнинг ёғ кислота таркибини мувозанатлаш, маргарин ишлаб чиқаришда ишлатиладиган озик-овқат қўшимчалари, трансизомер ёғ кислоталар миқдорига бугунги куннинг нигоҳи ва диетик маргаринлардаги оксидланиш жараёнлари ёритиб берилган. Адабиётларни таҳлил қилиш натижасида диссертациянинг мақсад ва вазифалари аниқланган.


Диссертациянинг «**Хом ашё ва олинадиган маргаринларнинг таҳлил услублари**» деб номланган иккинчи бобида маргарин маҳсулотларининг ёғли асоси ва перезтерификатларни олиш учун лаборатория ускуналарининг тавсифи, олинадиган маргарин ва хом ашёларнинг анализ усуллари, диетик қўйма маргариннинг ёғли асоси учун қўлланилган дастлабки ўсимлик мойлари ва ҳайвон ёғларининг физик-кимёвий кўрсаткичлари, шунингдек, тадқиқот хатоликларини аниқлаш услублари келтирилган.

Диссертациянинг «**Маҳаллий эмульгаторлардан фойдаланиб паст калорияли қўйма маргаринлар олиш жараёнларининг тадқиқоти**» деб номланган учинчи бобида маргарин таркибидаги сув миқдорининг таъсири натижалари, паст калорияли қўйма маргаринлар ёғли асосларини олиш, турли мақсадлар учун мўлжалланган маргарин олишда турғун ёғ-сув эмульсияларини шакллантиришнинг тадқиқоти, маҳаллий соя мойларидан олинган фосфолипид кўрсаткичларининг тадқиқоти, моно- ва диглицеридларнинг паст калорияли маргарин эмульсияларига таъсири, маргарин эмульсиясининг барқарорлигини ошириш учун ишлаб чиқилган эмульгатор композицияларини қўллаш ҳамда ишлаб чиқилган эмульгатор композициясини қўллаб, маргарин эмульсиясини олишнинг мақбул шароитларини аниқлаш бўйича маълумотлар келтирилган.

Маълумки, ошхона, нонвойчилик ва қандолат ёғлари учун маргаринларда ёғ таркиби анъанавий равишда камида 82%ни ташкил қилган, бу эса уларнинг юқори калориялилигини таъминлаган (720 ккал/100г дан кам эмас).


Маргарин калорияси миқдорини камайтириш бўйича муаммоларини ҳал қилиш учун унинг ёғдорлиги 60% дан кўп бўлмаган қуйма бутерброд маргаринларини ишлаб чиқариш таклиф қилинди. Маргариннинг қолган таркибий қисмларини сувда эрувчи компонентлар (сут, лецитин, ароматизаторлар, қанд, туз ва б.) ташкил этган.

Маргариннинг намлиги ўзгариши билан олиб борилган тадқиқот натижалари 1-расмда келтирилган, бунда ёғли асос сифатида 1-навли озикавий пахта саломаси (85%) ва дезодорацияланган пахта мойи (15%) танлаб олинган. Бунда, ТрК – транс-кислота миқдори, %, Q – маргариннинг калориялилиги, ккал/100 г ва W – маргариннинг намлиги, %.



1-калория бўйича,
2-транс-кислота бўйича.

1-расм. Маргарин калориясини ўзгаришига ундаги сувнинг миқдорини таъсири.



1-ёғдорлиги 82% бўлган маргарин,
2- ёғдорлиги 60% бўлган маргарин.

2-расм. Маргарин эмульсияси бардошлилигининг ўзгаришини Palsgaard 6111 эмульгатор миқдорига боғлиқлиги.

1-расмдан кўринадики, маргарин таркибидаги сув миқдорини 18 дан 80% гача оширилиши билан тўғри чизикли қонуниятга мувофиқ унинг калорияси 700 дан 160 ккал/100 г гача камаяди. Бунда, тўғри чизикдан кичик чекланишлар, сувли эритмалар таркибидаги паст калорияли моддаларнинг мавжудлиги натижасидир.

Ҳозирги вақтда, Ўзбекистондаги маргарин корхоналарида Данияда ишлаб чиқарилган қимматбаҳо импорт «Palsgaard-6111» эмульгаторидан кенг фойдаланилмоқда. «Palsgaard-6111» эмульгаторининг таннархидан ташқари кўшимча транспорт сарфини ҳисобга олсак, турли хилдаги маргаринларни ишлаб чиқаришда унинг сарфланишини оптималлаштириш муҳимлиги маълум бўлади.

Шу билан биргаликда, маргарин эмульсияси барқарорлигининг ўзгариши унга кўшилаётган «Palsgaard-6111» эмульгаторининг миқдорига боғлиқлиги тадқиқ этилди (2-расм).

2-расмдан кўриниб турибдики, маргарин эмульсиясининг ёғ миқдори ўзгарганда унинг барқарорлиги кўшилаётган «Palsgaard-6111» озикавий эмульгатори учун турли оптимал параметрларга эга. Шунингдек, ёғдорлиги 82% бўлган маргарин эмульсиясининг барқарорлигини таъминлаш учун 4 г/кг «Palsgaard-6111» эмульгаторини сарфлашимиз етарли бўлади, ёғдорлиги 60% бўлган маргарин эмульсияси учун эса «Palsgaard-6111» эмульгаторидан 7-8 г/кг

микдорда фойдаланишимиз зарур. Демак, маргарин таркибида сувнинг микдори қанчалик кўп бўлса, олинадиган эмульсиянинг барқарорлигини ошириш учун «Palsgaard-6111» эмульгаторининг сарфи шунчалик кўп бўлади.

Транс-кислотадан ҳоли бўлган маргариннинг ёғли асосини олиш учун, 3 хил ўсимлик мойлари ва ёғларни турли нисбатларда танлаб олинди:

№1 намуна – мол ёғи : пахта пальмитини : соя мойи = 20:20:60;

№2 намуна – мол ёғи : пахта пальмитини : соя мойи = 10:20:70;

№3 намуна – мол ёғи : пахта пальмитини : соя мойи = 10:10:80.

Маргариннинг ёғли асосини олиш учун уларни турли нисбатларда аралаштирдик. Кейинчалик олинган ёғли асос аралашмасининг ёғ-кислота таркиби аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал

Маргарин ёғли асосини олиш учун ёғлар аралашмасининг ёғ-кислота таркиби

| Ёғ кислоталарининг номланиши | Маргарин ёғли асосидаги ёғ кислоталар микдори, % | | |
|-----------------------------------|--|-----------|-----------|
| | №1 намуна | №2 намуна | №3 намуна |
| Лаурин (C _{12:0}) | 0,04 | 0,04 | 0,02 |
| Миристин (C _{14:0}) | 0,56 | 0,34 | 0,28 |
| Пальмитин (C _{16:0}) | 19,20 | 17,59 | 15,25 |
| Пальмитолеин (C _{16:1}) | 0,02 | 0,02 | 0,01 |
| Стеарин (C _{18:0}) | 7,38 | 5,36 | 5,39 |
| Олеин (C _{18:1}) | 32,54 | 30,55 | 28,17 |
| Линол (C _{18:2}) | 34,62 | 39,59 | 43,56 |
| Линолен (C _{18:3}) | 5,52 | 6,38 | 7,21 |
| Арахин (C _{20:0}) | 0,10 | 0,11 | 0,10 |
| Арахидон (C _{20:1}) | 0,02 | 0,02 | 0,01 |
| Σтўйинган | 27,28 | 23,44 | 21,04 |
| Σмонотўйинмаган | 32,58 | 30,59 | 28,19 |
| Σполитўйинмаган | 40,14 | 45,97 | 50,77 |

1-жадвалдан кўриниб турибдики, соя мойининг микдори ошиши билан политўйинмаган ёғ кислоталари ошиб бормоқда, бу эса, ушбу маҳсулотнинг биологик қимматини ошишига сабаб бўлади.

2-жадвал


Маргарин ёғли асосининг перээтерификациядан олдинги ва кейинги физик-кимёвий кўрсаткичлари

| Маргарин ёғли асоси кўрсаткичларининг номи | Маргарин ёғли асоси кўрсаткичларининг қиймати | | | | | |
|--|---|-----------|-----------|--------------------------|-----------|-----------|
| | перээтерификациядан олдин | | | перээтерификациядан сўнг | | |
| | №1 намуна | №2 намуна | №3 намуна | №1 намуна | №2 намуна | №3 намуна |
| Намлик ва учувчан моддаларнинг массавий улуши, % | 0,06 | 0,07 | 0,07 | 0,08 | 0,08 | 0,09 |
| Кислота сони, мг КОН/г | 0,23 | 0,26 | 0,34 | 0,27 | 0,35 | 0,42 |
| Эриш ҳарорати, °С | 35,4 | 28,2 | 24,8 | 23,6 | 19,8 | 14,1 |
| Пероксид сони, ммоль актив кислород/кг | 3,2 | 3,9 | 4,3 | 3,4 | 4,2 | 4,7 |
| 15°С даги қаттиқлиги, г/см | 62 | 57 | 50 | 32 | 26 | 23 |

Натрий этилат катализатори иштирокида переэтерификация усули билан маргариннинг ёғли асоси олинди. Олинган маҳсулотнинг переэтерификациядан аввалги ва кейинги физик-кимёвий кўрсаткичлари 2-жадвалда келтирилган.


2-жадвалдан кўринадики, маргаринни ёғли асосининг переэтерификациядан кейинги асосий физик-кимёвий кўрсаткичлари деярли ўзгармайди, лекин уларнинг эриш ҳароратлари ва қаттиқлиги камаяди. Бу шуни кўрсатадики, переэтерификация жараёнида хайвон ёғи ва пахта пальмитинининг тўйинган ёғ кислоталари соя мойидаги тўйинмаган ёғ кислоталари билан ўрин алмашади.

Маргаринни ёғли асосининг яъна бир муҳим кўрсаткичи – бу қаттиқ триглицеридлар миқдори бўлиб, улар ҳароратнинг ошиши билан пасаявчи қонуниятга эга. Олинган маълумотларга кўра, ёғли асоснинг сифатини баҳолаш ва турли ҳароратларда унинг иссиқликка чидамлилигини тавсифлаш мумкин (3- ва 4-расмлар).



1-№1 намуна, 2-№2 намуна, 3-№3 намуна.

3-расм. Переэтерификациядан олдин маргарин ёғли асосидаги ҚТГ миқдорининг ўзгариши.



4-расм. Переэтерификациядан сўнг маргарин ёғли асосидаги ҚТГ миқдорининг ўзгариши.

3- ва 4-расмлардан кўринадики, маргаринларнинг переэтерификациядан олдинги ёғли асослари кейингисидан кўра кўпроқ қаттиқ триглицеридларга (ҚТГ) эга (1-, 2- ва 3-эгри чизиқлар). Буни переэтерификациядан олдинги ёғли асослар таркибида маълум ҳароратда қаттиқ триглицерид кўрсаткичини оширувчи 2 ёки 3 тўйинган ёғ кислоталари мавжудлиги билан изоҳлаш мумкин. Переэтерификациядан сўнг таркибида 2 ёки 3 тўйинган ёғ кислоталари мавжуд триглицеридларнинг ёғли асослари парчаланаяди, яъни, қайта тақсимланади, натижада маҳсулот гомоген(бир хил) тузилишга эга бўлады.

Олинган маргарин эмульсиясининг турғунлигини ошириш учун, сирт фаол моддаларни (СФМ), мисол учун лецитинни қўшиш муҳим. Шуни ҳисобга олиш керакки, лецитин таркибидаги гидрофил ва липофил гуруҳлари нисбати унинг эмульсиялаш қобилиятига ҳам таъсир кўрсатади.

Бундан ташқари, маргарин эмульсиясининг барқарорлигига Е322 эмульгатори (назорат) ва маҳаллий соя лецитинининг миқдорини таъсирини турли сарфларда ўрганилди. Маргарин эмульсияси лаборатория шароитида олинган бўлиб, бунда 60%ли ёғли асосни олдин олинган переэтерификатлар (№1, №2 ва №3 намуналар), туз, қанд ва қолган қисмини сув ташкил этган.

Маҳсулотларнинг бундай нисбати калория кўрсаткичи мос келадиган маргарин рецептурасининг асосий компонентларидан танланган (3-жадвал).

3-жадвал

Е322 эмульгатори (назорат) ва маҳаллий соя лецитинини миқдорининг маргарин эмульсияси барқарорлигига таъсири

| Кўрсаткич-ларнинг номи | Е322 эмульгаторининг сарфи (назорат), % | | | | | | Соя лецитинининг сарфи, % | | | | | |
|---|---|------|------|------|------|------|---------------------------|------|------|------|------|------|
| | 0,5 | 0,6 | 0,7 | 0,8 | 0,9 | 1,0 | 0,5 | 0,6 | 0,7 | 0,8 | 0,9 | 1,0 |
| №1 намуна учун (20:20:60) | | | | | | | | | | | | |
| Қатламларга ажралишда фазалар нисбати:% | | | | | | | | | | | | |
| эмульсияли | 45,5 | 67,0 | 80,5 | 90,0 | 96,0 | 98,5 | 56,0 | 77,5 | 88,0 | 96,5 | 100 | 100 |
| сувли | 9,0 | 6,0 | 3,5 | 1,5 | 1,0 | 0,5 | 6,0 | 3,5 | 1,0 | 0,5 | - | - |
| ёғли | 45,5 | 27,0 | 16,0 | 8,5 | 3,0 | 1,0 | 38,0 | 19,0 | 11,0 | 3,0 | - | - |
| №2 намуна учун (10:20:70) | | | | | | | | | | | | |
| Қатламларга ажралишда фазалар нисбати:% | | | | | | | | | | | | |
| эмульсияли | 51,0 | 72,0 | 83,0 | 92,5 | 98,0 | 99,0 | 50,5 | 72,5 | 84,5 | 93,0 | 98,5 | 100 |
| сувли | 7,5 | 4,0 | 3,0 | 1,0 | - | - | 7,5 | 5,0 | 2,0 | 1,0 | - | - |
| ёғли | 42,5 | 24,0 | 14,0 | 5,5 | 2,0 | 1,0 | 42,0 | 22,5 | 13,5 | 6,0 | 1,5 | - |
| №3 намуна учун (10:10:80) | | | | | | | | | | | | |
| Қатламларга ажралишда фазалар нисбати:% | | | | | | | | | | | | |
| эмульсияли | 57,5 | 79,0 | 90,0 | 98,5 | 100 | 100 | 46,5 | 68,0 | 82,0 | 91,0 | 97,5 | 99,0 |
| сувли | 5,0 | 3,5 | 1,0 | - | - | - | 8,5 | 5,5 | 3,0 | 1,0 | 0,5 | - |
| ёғли | 37,5 | 17,5 | 9,0 | 1,5 | - | - | 45,0 | 26,5 | 15,0 | 8,0 | 2,0 | 1,0 |

3-жадвалдан кўринадикки, эмульгатор сифатида маҳаллий соя лецитинининг сарфи (ёғ фазасини сув фазаси билан боғловчи) эмульсия барқарорлигига таъсир қилади. №1 намуна учун энг мақбул сарф 0,9%, №2 намуна учун эса - 1,0% ва №3 учун - 1,0% дан юқори миқдорни ташкил этган. Ёғ фазасининг ёғ кислота таркиби ўзгарганда, эмульгаторнинг сарфи ҳам ўзгаради, бунда маргарин таркибидаги тўйинган ёғ кислоталар кўп бўлганда эмульгатор сарфи камроқ ва аксинча, тўйинмаганлари кўп бўлганда кўпроқ эканлигини кўрсатади. Бундан ташқари, тадқиқот натижалари, Е322 эмульгаторини маҳаллий соя лецитинига ўзгартириш мумкин эканлигини кўрсатади.

Кейинчалик, олинган моно- ва диглицеридлар миқдорини олинандиган эмульсия маҳсулотининг қатламларга ажралишига таъсирини текширилди. Маргарин эмульсияси юқоридаги шароитда олинган бўлиб, унинг 60% ёғли асосини олдин олинган переэтерификатлар (№1, №2 ва №3 намуналар), туз, қанд ва сув ташкил этган (4- ва 5-жадваллар).

4-жадвал

Глицеролиз усули билан пахта мойи ва глицериндан олинган эмульгатор сарфининг эмульсия барқарорлигига таъсири

| Кўрсаткичларнинг номи | Глицеролиз усули билан пахта мойи ва глицериндан олинган эмульгаторнинг сарфи, % | | | | | |
|---|--|------|------|------|------|-----|
| | 0,5 | 0,6 | 0,7 | 0,8 | 0,9 | 1,0 |
| №1 намуна учун (20:20:60) | | | | | | |
| Қатламларга ажралишда фазалар нисбати:% | | | | | | |
| эмульсияли | 70,5 | 81,0 | 89,5 | 96,5 | 99,5 | 100 |
| сувли | 12,0 | 7,5 | 4,0 | 1,5 | - | - |
| ёғли | 17,5 | 11,5 | 6,5 | 2,0 | 0,5 | - |
| №2 намуна учун (10:20:70) | | | | | | |
| Қатламларга ажралишда фазалар нисбати:% | | | | | | |
| эмульсияли | 82,0 | 91,5 | 98,0 | 100 | 100 | 100 |
| сувли | 7,5 | 3,0 | 0,5 | - | - | - |
| ёғли | 10,5 | 5,5 | 1,5 | - | - | - |
| №3 намуна учун (10:10:80) | | | | | | |
| Қатламларга ажралишда фазалар нисбати:% | | | | | | |
| эмульсияли | 86,5 | 94,0 | 99,0 | 100 | 100 | 100 |
| сувли | 5,5 | 2,5 | - | - | - | - |
| ёғли | 8,0 | 4,5 | 1,0 | - | - | - |

5-жадвал

Глицеролиз усули билан мол ёғи ва глицериндан олинган эмульгатор сарфининг эмульсия барқарорлигига таъсири

| Кўрсаткичларнинг номи | Глицеролиз усули билан мол ёғи ва глицериндан олинган эмульгаторнинг сарфи, % | | | | | |
|---|---|------|------|------|------|-----|
| | 0,5 | 0,6 | 0,7 | 0,8 | 0,9 | 1,0 |
| №1 намуна учун (20:20:60) | | | | | | |
| Қатламларга ажралишда фазалар нисбати:% | | | | | | |
| эмульсияли | 84,0 | 92,5 | 97,5 | 100 | 100 | 100 |
| сувли | 5,0 | 2,0 | 0,5 | - | - | - |
| ёғли | 11,0 | 5,5 | 2,0 | - | - | - |
| №2 намуна учун (10:20:70) | | | | | | |
| Қатламларга ажралишда фазалар нисбати:% | | | | | | |
| эмульсияли | 79,5 | 90,0 | 97,5 | 99,0 | 100 | 100 |
| сувли | 7,5 | 3,5 | 0,5 | - | - | - |
| ёғли | 13,0 | 6,5 | 2,0 | 1,0 | - | - |
| №3 намуна учун (10:10:80) | | | | | | |
| Қатламларга ажралишда фазалар нисбати:% | | | | | | |
| эмульсияли | 67,5 | 79,5 | 87,0 | 95,5 | 99,0 | 100 |
| сувли | 11,0 | 6,5 | 3,5 | 1,5 | - | - |
| ёғли | 21,5 | 14,0 | 9,5 | 3,0 | 1,0 | - |

4-жадвалдан кўриниб турибдики, глицеролиз усули билан пахта мойи ва глицериндан олинган эмульгаторнинг сарфи қанчалик кўп бўлса, олинадиган маҳсулот қатламларга ажралишга чидамли бўлади. Бундан ташқари, олинган эмульсия маҳсулотларидан №3 намуна бошқаларга қараганда яхшироқ эмульсияланди. Буни №3 намунада бошқаларга қараганда, пахта мойи ва глицериндан олинган эмульгатор каби бир-бири билан қутблилиги яхши таъсирлашадиган тўйинмаган ёғ кислоталар мавжудлиги билан тушунтирилади. Худди шу каби ҳолат мол ёғи ва глицериндан олинган эмульгатор учун ҳам кузатилди (5-жадвал). Бунда №1 намуна эмульсиясининг барқарорлиги, қолганига нисбатан яхши. Буни №1 намунада нисбатан кўпроқ, мол ёғи ва глицериндан олинган эмульгатор таркибида тўйинган ёғ кислоталар борлиги билан тушунтирилади.


Маргарин ишлаб чиқариш учун маҳаллий маҳсулотлардан олинган эмульгаторларнинг бир нечта композициялари яратилди (6-жадвал).

6-жадвал


Маргарин эмульсияси учун эмульгатор композициясининг таркиби

| Композиция шифри | Композициядаги маҳсулотларнинг таркиби, % | | |
|------------------|---|--|---|
| | Соя лецитини | Пахта мойидан олинган моно- ва диглицеридлар | Мол ёғидан олинган моно- ва диглицеридлар |
| КЭ-1 | 33 | 67 | - |
| КЭ-2 | 50 | 50 | - |
| КЭ-3 | 67 | 33 | - |
| КЭ-4 | 33 | - | 67 |
| КЭ-5 | 50 | - | 50 |
| КЭ-6 | 67 | - | 33 |
| КЭ-7 | 34 | 33 | 33 |
| КЭ-8 | 50 | 25 | 25 |
| КЭ-9 | 25 | 50 | 25 |
| КЭ-10 | 25 | 25 | 50 |

6-жадвалда саноатда ишлаб чиқариш мумкин бўлган маҳаллий маҳсулотлардан олинадиган эмульгатор композициялари таркиби келтирилган бўлиб, уларни олиш қийин эмас.



5-расм. №1 паст калорияли маргарин эмульсияси намунасининг турғунлигига эмульгатор композицияси сарфининг таъсири.




6-расм. №3 паст калорияли маргарин эмульсияси намунасининг турғунлигига эмульгатор композицияси сарфининг таъсири.

Кейинчалик турли хил нисбатда олинган эмульгатор композицияларини кўллаб, маргаринлар олинди ва эмульсиянинг барқарорлигини текшириш мақсадида таҳлил қилинди (5- ва 6-расмлар).


5- ва 6-расмлар шуни кўрсатадики, икки турдаги ёғли асосларнинг эмульсиясига ишлаб чиқилган эмульгатор композициялари турлича таъсир кўрсатди. Масалан, №1 намуна учун, 25% соя лецитини, 25% пахта мойидан олинган моно- ва диглицеридлар ва 50% мол ёғидан олинган моно- ва диглицеридлардан ташкил топган эмульгатор композицияси КЭ-10, №3 намуна учун 25% соя лецитини, 50% пахта мойидан олинган моно- ва диглицеридлар ва 25% мол ёғидан олинган моно- ва диглицеридли КЭ-9 энг яхши натижа берди. Буни шундай тушунтириш мумкинки, маргариннинг ҳар бир ёғли асосида ёғ кислота таркиби бир-биридан фарқ қилади ва бу ишлаб чиқилган турли эмульгатор композицияларининг эмульсиялаш қобилятига ҳам таъсир қилади.

Маргарин тез бузиладиган маҳсулотлардан бири бўлгани учун унинг таркибида антиоксидант хусусиятига эга кўшимчалар (фосфолипидлар, каратиноидлар ва бошқалар) кенг қўлланилади. Маълумки, сирт фаоллик хусусиятларидан ташқари, лецитин ҳам антиоксидант бўлиб, маргарин маҳсулотларини сақлаш муддатига ҳам яхши таъсир кўрсатади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, соя лецитинининг антиоксидант хусусиятларини аниқлаш учун олинган эмульсия массасига нисбатан эмульгатор сарфи 1%ни ташкил этган ҳолда бир қанча тажрибалар ўтказилди. Бундан ташқари, табиий антиоксидант сифатида қизил пиёздан олинган кверцетин ишлатилган. Олинган натижалар 7- ва 8-расмларда кўрсатилган.



7-расм. Олинган №1 маргарин намунасининг перексид қийматиға эмульгатор таркибидаги соя лецитини миқдорининг таъсири.




8-расм. Олинган №3 маргарин намунасининг перексид қийматиға эмульгатор таркибидаги соя лецитини миқдорининг таъсири.

7- ва 8-расмлар эмульгатор таркибида фосфолипид миқдори қанчалик кўп бўлса, олинган маҳсулотнинг барқарорлиги мос равишда ошишини кўрсатади ва бу унинг перексид сони билан тасдиқланади. Шуни ёдда тутиш керакки, маргарин таркибидаги тўйинмаган ёғ кислоталар қанча кўп бўлса, оксидланиш жараёни шунчалик тез содир бўлади, буни №3 намуна мисолида кўриш мумкин. Тадқиқот натижаларидан кўриниб турибдики, олинган маргаринларнинг ўртача сақлаш муддатини тахминан 4-5 ой этиб белгиласа бўлади, ушбу ораликда унинг перексид сони стандарт талабларига жавоб беради.


Шундай қилиб, олиб борилган тадқиқотлар, импорт қилинадиган эмульгаторларнинг ўрнига ишлаб чиқилган композицияни тавсия этиш мумкинлигини кўрсатди. Бундан ташқари, қатламга ажралиш ва сақлашга чидамли маҳсулотларни олиш учун композицияни танлашда маргариннинг ёғ-кислота таркибини ҳисобга олиш зарур.

Ишлаб чиқарилган эмульгатор композицияси ёрдамида маргарин эмульсиясини олиш жараёнининг ҳарорати ва аралаштириш тезлигининг оптимал шароитларини аниқлаш учун уларнинг олинадиган маҳсулотнинг органолептик ва реологик хусусиятларига таъсири ўрганилди. Бунинг учун аралаштириш ҳароратини 30-80°C ва айланиш тезлигини 30-80 айл/мин оралиғида ўзгартирилди. Шу билан бирга, маргариннинг органолептик ва реологик кўрсаткичлари 10 баллик шкала бўйича баҳоланди (9-расм).

9-расмдан кўринадикки, эмульсия тайёрлаш жараёнининг ҳарорати ва аралаштириш тезлиги олинадиган маргариннинг органолептик ва реологик хусусиятларига сезиларли таъсир кўрсатади. Энг яхши натижалар ҳарорат 55-60°C ва аралаштириш тезлиги 55-60 айл/мин бўлганида олинди. Юқорида келтирилган маълумотлардан паст кўрсаткичли жараёнда олинган маргарин эмульсияси, яъни консистенцияси нотекис, фазалар эса қисман ажралиб қолган. Юқоридаги маҳсулотларни совутгандан сўнг, ёғ ва сув фазалари ажралиб қолди, натижада эса ҳосил бўлган маҳсулот сифати пасайди.



9-расм. Эмульсия олишда ҳарорат ва аралаштириш тезлигини маргариннинг органолептик ва реологик хусусиятларига таъсири.



10-расм. Эмульсияни совутишда ҳарорат ва валнинг айланиш тезлигини маргариннинг органолептик ва реологик хусусиятларига таъсири.

Кейинги тажрибалар переэтерификацияланган ёғлар ва ишлаб чиқилган эмульгатор композициялари асосида олинган эмульсияни совутиш жараёнининг оптимал шароитларини аниқлаш учун ўтказилди. Бунинг учун оптимал шароитда тайёрланган маргарин эмульсиялари вотаторда совутилди. Совутиш ҳарорати 10-22°C, валнинг айланиш тезлиги 200-300 айл/мин ни ташкил этди (10-расм).

10-расмдан кўринадикки, олинган маргариннинг консистенциясига совутиш жараёнининг кўрсаткичлари сезиларли таъсир кўрсатади. Хусусан, энг яхши натижалар совутиш ҳарорати 16°C ва валнинг айланиш тезлиги 250 айл/мин бўлганида олинган. Бундай шароитда олинган маргариннинг консистенцияси бошқа барча шароитларда олинганидан юқори бўлди. Бу эса маргарин

эмульсиясидаги глицеридларнинг α , β в β' полиморф структураси билан боғлиқлиги билан тушунтирилади.

Шундай қилиб, тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, маргарин эмульсиясини олишда нафақат рецептура бўйича компонентларни танлаш, балки уни қайта ишлашнинг технологик кўрсаткичлари ҳам олинандиган маҳсулотнинг органолептик ва реологик хусусиятларига таъсир кўрсатади.

«Маҳаллий ноанъанавий ўсимлик мойларидан фойдаланиб, диетик қўйма маргарин олиш технологиясини такомиллаштириш» деб номланган тўртинчи бобида ишлаб чиқилган эмульгатор композициялари ёрдамида диетик қўйма маргаринларни олиш технологик схемасини такомиллаштиришга, диетик қўйма маргаринларни ишлаб чиқариш ва эмульгатор композицияларини қўллаш бўйича тажриба-ишлаб чиқариш синовларига, шунингдек ишлаб чиқилган эмульгатор композицияларини жорий этиш орқали иқтисодий самарадорликни ҳисоблашга бағишланган. Диетик қўйма маргаринларни олиш технологик схемаси 11-расмда келтирилган.


Анъанага кўра, маргарин ишлаб чиқаришда турли фирмаларнинг импорт қилиб келтирилган эмульгаторлари ишлатилади, уларнинг асосий таркиби лецитин, моно- ва диглицерид, глицериннинг полимерланган маҳсулотлари ва бошқа синтетик маҳсулотлардир. Бундай маҳсулотларни маҳаллийга алмаштириш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқдир.

Шуни инобатга олиб, диетик қўйма маргарин ишлаб чиқаришда олинган эмульгатор композициялари синовдан ўтказилди, бунда назорат сифатида Palsgaard (Дания) фирмасининг эмульгатори ишлатилган. Натижалар 7-жадвалда келтирилган.

7-жадвал

Palsgaard фирмасининг (назорат) ва таклиф қилинаётган эмульгатор ёрдамида олинган маргариннинг кўрсаткичлари

| Кўрсаткичларнинг номи | Маргарин кўрсаткичларининг қийматлари: | |
|---|---|---------------------------|
| | Palsgaard фирмасининг эмульгатори (назорат) | Ишлаб чиқилган эмульгатор |
| Ёғнинг массавий улуши, % | 60,2 | 59,8 |
| Намлик ва учувчан моддаларнинг массавий улуши, % | 38,8 | 39,1 |
| Ёғли асоснинг эриш ҳарорати, °С | 26,6 | 25,2 |
| Тузнинг массавий улуши, % | 0,4 | 0,4 |
| Маргариннинг кислоталилиги, К° | 2,6 | 2,8 |
| Маҳсулот таркибидаги ёғ таркибидаги транс-изомерларнинг массавий улуши, % | излари | излари |
| Бузилмаган эмульгаторнинг барқарорлиги, %: | | |
| - янги тайёрланган | 91 | 93 |
| - 24 соатдан сўнг | 84 | 88 |
| Сувни ушлаб қолиш қобиляти, г сув/1г | 1,7 | 2,0 |
| Ёғни ушлаб қолиш қобиляти, г ёғ/1г | 0,8 | 0,9 |



1-перезерфикуват ва эмульгатор композицияси учун аралаштиргич, 2-сув ва суфта эрувчи маҳсулотлар учун аралаштиргич, 3, 4-тарозилар, 5, 6-маргарин эмульсиясини олиш учун аралаштиргич, 7, 8-гомогенизатор, 9-оралиқ сиғим, 10-юқори босимли насос, 11-пастеризатор, 12-вогатор, 13-қристаллизатор.

11-расм. Ишлаб чиқилган эмульгатор композицияларидан фойдаланиб, диетик қўйма маргарин ишлаб чиқариш технологик схемаси.

7-жадвалдан ҳар иккала маргаринлар асосий кўрсаткичлари бўйича стандарт талабларига жавоб беришини кўриш мумкин. Аммо ишлаб чиқарилган эмульгатор композицияси асосида олинган маҳсулот эмульсиясининг барқарорлиги билан ажралиб туради, бу уларнинг сув ва ёғни ушлаб туриш қобилиятларидан кўриниб турибди.

Шундай қилиб, битта маргарин корхонасида ишлаб чиқилган эмульгатор композицияларидан фойдаланиб, диетик қўйма маргарин ишлаб чиқаришнинг такомиллаштирилган технологиясини жорий этишдан олинган иқтисодий самара йилига 384 млн. сўмни ташкил этади.

ХУЛОСАЛАР

1. Диетик қўйма маргарин эмульсияларининг юқори барқарорлигини таъминлаш учун, қўлланиладиган эмульгаторларнинг хусусиятини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқлиги кўрсатилган.

2. Диетик қўйма маргаринларни ишлаб чиқаришда мол ёғи, пахта пальмитини ва соя мойи аралашмасини мос равишда 20:20:60, 10:20:70 ва 10:10:80 нисбатларда переэтерификация қилиш орқали олинган маҳсулотдан фойдаланиш мумкинлиги кўрсатилган.

3. Маргарин ишлаб чиқариш учун эмульгатор сифатида маҳаллий соя лецитинларидан фойдаланиш мумкинлиги аниқланган. Бунда, маргарин таркибида тўйинмаган ёғ-кислоталари миқдорини ошиши, лецитин сарфини мутаносиб равишда ошишига олиб келиши аниқланган.

4. Пахта мойи ва мол ёғини глицерин билан глицеролиз усули ёрдамида эмульгатор олиш мумкинлиги ҳамда олинаётган маҳсулотнинг эмульсиялаш қобилияти уларнинг ёғ-кислота таркибига боғлиқлиги кўрсатилган.

5. Сақлашга ва қатламларга ажралишга чидамли диетик қўйма маргарин маҳсулотини олиш учун унинг ёғ-кислота таркибини ҳисобга олган ҳолда эмульгатор композицияси таркибидаги соя лецитини ҳамда моно- ва диглицеридларнинг нисбатини тўғри танлаш зарурлиги кўрсатилган.

6. Диетик қўйма маргарин олишнинг мақбул технологик шароитлари эмульсияни ҳарорати 55-60°C, аралаштириш тезлиги 55-60 айл/мин ва вотаторда совутиш ҳарорати 16°C, валнинг аралаштириш тезлиги 250 айл/мин эканлиги аниқланган.

7. Диетик қўйма маргарин ишлаб чиқаришда таклиф этилаётган эмульгатор композицияларининг эмульсиялаш хусусияти жиҳатидан импортга қараганда афзалликлари кўрсатиб берилган.

8. Ишлаб чиқариш қуввати йилига 4 *минг т* ташкил этадиган корхонада маҳаллий хом ашё асосида олинган эмульгатор композициялари ёрдамида диетик қўйма маргарин олишнинг такомиллаштирилган технологиясини жорий этишдан олинадиган иқтисодий самара 384,0 млн. сўм эканлиги ҳисобланган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 ПРИ
ТАШКЕНТСКОМ ХИМИКО -ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ**

ТАШКЕНТСКИЙ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

ХОДЖАЕВ САРВАР ФАХРЕДДИНОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИИ ПОЛУЧЕНИЯ
ДИЕТИЧЕСКИХ НАЛИВНЫХ МАРГАРИНОВ С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ
НЕТРАДИЦИОННЫХ МЕСТНЫХ РАСТИТЕЛЬНЫХ МАСЕЛ**

**02.00.17 – Технология и биотехнология обработки, хранения и переработки
сельскохозяйственных и пищевых продуктов**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент - 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2019.3.PhD/T1290.

Диссертация выполнена в Ташкентском химико-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного Совета (ik-kimyو.nuu.uz) и информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: Акрамова Раъно Рамизитдиновна
доктор философии (PhD), доцент

Официальные оппоненты: Исабаев Исмоил Бабаджанович
доктор технических наук, профессор

Юнусов Обиджон Қодирович
кандидат технических наук, доцент


Ведущая организация: АО «Qarshi yog'-ekstraksiya»


Защита диссертации состоится «04» 12 2021 г. в «11⁰⁰» часов на заседании Научного Совета DSc.03/30.12.2019.T.04.01 при Ташкентском химико-технологическом институте. (Адрес: 100011, г. Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А.Навои, 32. Тел.: (99871) 244-79-21, факс: (99871) 244-79-17, e-mail: tkti_info@edu.uz).


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института (зарегистрирована за № 27). (Адрес: 100011, г. Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А.Навои, 32. Тел.: (99871) 244-79-21).

Автореферат диссертации разослан «17» 11 2021 г.
(Протокол рассылки № 27/21 от «17» 11 2021 г.).




С.М.Туробжонов
Председатель Научного Совета по присуждению
учёной степени доктора наук, д.т.н., профессор


Х.И.Кадиров
Учёный секретарь Научного Совета по
присуждению учёной степени доктора наук,
д.т.н., профессор


К.О.Додаев
Председатель Научного семинара при Научном
Совете по присуждению учёной степени доктора
наук, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире ведутся научные исследования по созданию диетических продуктов для здорового питания, учитывающие потребности питания современного человека. Состояние питания является одним из факторов, определяющих здоровье населения и продукты не только должны удовлетворять потребность, но и иметь в себе лечебные свойства. Поэтому, получение диетических наливных маргаринов с содержанием полиненасыщенных жирных кислот приобретает в последнее время важное значение.

В мире ведутся научные исследования по снижению жирности маргаринов с увеличением содержания полиненасыщенных жирных кислот, подбору новых видов эмульгаторов улучшающих стойкость к расслоению, а также продлению их срока хранения. В связи с этим, особое внимание уделяется подбору жиров, определению соотношений полиненасыщенных жирных кислот, получению эмульгаторов из местных сырьевых ресурсов, созданию композиций эмульгаторов для улучшения стойкости к расслоению, определению оптимальных технологических условий производства маргариновой продукции.

В Узбекистане проводятся научные исследования по улучшению качества маргариновой продукции, увеличению содержания полиненасыщенных жирных кислот, а также получению импортозамещающих эмульгаторов из местных сырьевых ресурсов и уже достигнуты научные результаты. В третьем направлении Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены задачи по «...дальнейшей модернизации и диверсификации промышленности путем перевода ее на качественно новый уровень, направленный на опережающее развитие высокотехнологичных обрабатывающих отраслей, прежде всего по производству готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на базе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов»¹. В связи с этим большое значение имеют научные исследования, направленные на получение эмульгаторов на основе местного сырья и применения их в маргариновом производстве.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, постановленных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан ПП №-4887 от 10 ноября 2020 года «О дополнительных мерах по обеспечению здорового питания населения», ПП №-4821 от 9 сентября 2020 года «О мерах по ускоренному развитию пищевой промышленности республики и полноценному обеспечению населения качественной продовольственной продукцией», ПП №-4118 от 16 января 2019 года «О дополнительных мерах по дальнейшему развитию масложировой отрасли и внедрению рыночных механизмов управления отраслью», а также в других нормативно-правовых актах, связанных с данной деятельностью.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики. Данное исследование выполнено в

¹ Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий VII. «Химические технологии и нанотехнологии».

Степень изученности проблемы. Научные исследования по обогащению ненасыщенными жирными кислотами маргарина, поиску эффективных местных эмульгаторов, совершенствованию технологии производства диетических наливных маргаринов приведены в работах Р.Обрайна, А.Кауфмана, Б.Н.Тютюнникова, А.Л.Маркмана, А.Г.Сергеева, А.П.Нечаева, Н.С.Арутюнян, Е.П.Корненой, О.С.Восканяна, А.А.Абдурахимова, А.И.Глушенковой, Ю.К.Кадирова, С.А.Абдурахимова, И.Б.Исабаева, А.Т.Рузибаева и др.

Ими усовершенствованы технологии производства различных видов маргаринов, повышены их пищевая и биологическая ценность, а также увеличены сырьевые базы для производства эмульсионных продуктов. Кроме того, ими изучены эмульгирующие свойства лецитинов, моно- и диглицеридов и пути использования их для производства маргаринов.

Наряду с этим ведутся ряд научных исследований по снижению калорийности маргаринов за счет увеличения объема воды в рецептах, увеличению массовой доли полиненасыщенных жирных кислот, стойкости к окислению, уменьшению содержания транс-кислот, которые ухудшают качество получаемого продукта с точки зрения пищевой безопасности. Однако над вопросами по получению композиций эмульгаторов из местных продуктов и применение их при получении диетических наливных маргаринов не ведутся исследования.

